Ушбу сонда:

2 *Дам олишни ҳам билайлик* ЎЗБЕКИСТОН СИҲАТГОҲЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

3 *Огоҳликка даъват* ОДАМЛАР ОРАСИДА

4 *Иснод* НАФС БАЛОСИ ёхуд сўнгги пушаймондан не наф?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN — ОЛИЙ ВАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 май, чоршанба №75 (1089)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш.Ш.Ҳамрақуловни Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Шавкат Шодиевич Ҳамроқулов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 14 май.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 май куни Оқсаройда Япониянинг «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.



Мазкур ташкилот делегацияси сўнгги тўрт йил ичида учинчи бор Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Бу Япония ишбилармон доираларида мамлакатимиз билан алоқаларни ривожлантириш истаги кучли эканлигидан далолатдир. Президент Ислом Каримов бундай нуфузли уюшманинг Ўзбекистонга эътибори катталигидан мамнуният билдирар экан, айни вақтда мамлакатимиз нафақат мазкур ташкилот, балки умуман Япония билан ҳар томонлама ривожланиб бораётган ҳамкорликни қадрлашини ва қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

«Кейдзай Доюкай» қарийб 900 компаниянинг 1400 нафар раҳбарини ўзида бирлаштирган улкан жамоат ташкилотидир. У ишбилармонларга бизнес ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, хорижда самарали фаолият юритиш бўйича фойдали маслаҳат ва тавсиялар беради. Уюшма делегациялари Япония учун муҳим саналган мамлакатларга бориб, иқтисодий аҳвол билан бевосита танишади ва юртига қайтгач, турли тавсиялар тайёрлайди. Шу жиҳатдан унинг нуфузи Япониядан ташқарида ҳам жуда баланд.

К.Минагучи ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор беришини, «Кейдзай Доюкай» учун, айниқса, ўз минтақасида марказий ўрин тутувчи Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Япония иқтисодий муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти. Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Япониянинг «Кейдзай Доюкай» (Japan Association of Corporative Executives - JACE) корпоратив раҳбарлар уюшмаси вакилларининг делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ХОРАЗМДА

Ярим асрдан буён фаолият юритиб келаётган ушбу хусусий нопартиявий ташкилот тахминан 900 та етакчи компаниянинг 1400 нафарга яқин раҳбарини бирлаштиради ва Япония иқтисодиётининг ривожланиш стратегиясини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Делегация вакилларини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамов қабул қилди. Учрашув чоғида Хоразм вилоятида Ўзбекистон-Япония иқтисодий ҳамкорлигининг самарали ривожланишига мисоллар кўп эканлиги таъкидланди. Масалан, бир йил илгари Урганчда Япония ҳукумати ёрдами билан замонавий халқаро аэропорт барпо этилди.

- Уюшмамиз делегацияси Ўзбекистонга учинчи бор ташриф буюриши, - дейди «Кейдзай Доюкай» президенти жаноб Коичи Минагучи. - Бироқ, Хоразмга илк бор келишимиз. Биз Тошкентда расмий шахслар билан ўтказиладиган учрашувлар ва музокаралар олдидан Япония ишбилармон доиралари вакилларини тарихингиз ва маданиятингиз билан таништиришга қарор қилдик. Хоразмда биз қадимий воҳангизда катта истиқболли ривожланиш борлигига амин бўлдик. Бу ерга ҳар йили 10 минг нафарга яқин сайёҳ келади. Бироқ, улардан бир неча юз нафаригина Японiядан келади. Юртимизга қайтганимиздан сўнг делегациямиз аъзолари келгусида япониялик сайёҳлар сонини ошириш учун фаол ёрдам беришига ишонаман.

Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

ЭНГ УЛУҒ ВА АЗИЗ АЙЁМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Республика Вазирлар Маҳкамасида Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Қароматов бошқарди.

Йиғилишда Президентимизнинг бу тарихий байрам йил давомида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тадбирлар силсиласидан иборат бўлиши лозимлиги, улар орқали эса халқимиз мустақиллик туфайли эришилган ютуқларни бор кўлами билан ҳис этиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис мажлисда икки муҳим масала атрофлича муҳокамадан ўтказилди. Булардан бири - Ўзбек миллий давлатчилиги тарихининг илмий-назарий асосларини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу масала юзасидан сўзга чиққанлар камида тўрт минг йиллик мозий қатларига бориб тақаладиган миллий давлатчилигимизнинг инсоният тамаддунига кўрсатган таъсирига алоҳида эътиборни қаратдилар.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида олиб борилган илмий-назарий ва археологик изланишлар она юртимиз давлатчиликнинг ибтидоий кўринишларидан тортиб, унинг энг мукаммал шаклларигача бўлган яхлит тарихий жараёнга асос бўлганини инкор этиб бўлмас далиллар билан исботламоқда. Эндиги вазифа - халқимиз, айниқса ёш авлод онгу шуурига мана шундай қўҳна маданий қадриятлар макони ҳисобланмиш Ватан тарихини мукаммал билиш, ундан фахрланиш ва бу она юртни кўз қорачиғидек асраш кўникмасини сингдиришдир.

Йиғилишда муҳокама этилган иккинчи масала энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини ўтказиш борасида амалга ошириладиган маданий-маърифий йўналишдаги тадбирлар дастури қандай бажарилаётгани бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу дастур ниҳоятда кенг ва ранг-баранг маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ўзида қамраган. Ҳозирга қадар уларнинг анчагина қисми юқори савияда ўтказилди ҳам. Маданият, санъат ва бошқа соҳаларнинг турли йўналишларида ташкил этилган республика ва халқаро даражадаги кўплаб илмий анжуманлар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари бунга яққол далилдир.

Зеро, Истиқлол учун курашган оталаримиз, уни асраб-авайлашга бутун куч-ғайратини сафарбар этаётган замондошларимиз, мустақил мамлакатимиз шаънини барча соҳаларда муносиб ҳимоя қилаётган ва оламга таратаётган ёшларимиз тўғрисида китоблар, альбомлар, фильмлар ва тасвирий санъат намуналари яратилди ва яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш устида қизғин ижодий иш давом этяпти.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган вакиллар ўз ҳудудларида байрамга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ва айни кунларада муайян вилоят тарихи, бугуни ва келажаги билан бевосита боғлаб ўтказилаётган муҳим тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилишда ушбу дастурнинг тўла ва кенг қамровда амалга оширилиши учун зарур бўлган барча ишлар муҳокама этилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этиш учун тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Шу кунларда мамлакатимизда Япониянинг «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

1946 йилда асос солинган «Кейдзай Доюкай» Японiядаги энг йирик иқтисодий ташкилотлардан бири ҳисобланади. У тўққиз юзга яқин фирма ва компаниянинг 1400 дан зиёд раҳбар ходимини бирлаштирган. Уюшма Япония иқтисодини ривожлантириш, бу борада юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда компаниялараро ҳамкорликни кенгайтириш борасида муҳим тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

«Кейдзай Доюкай» талай йиллардан буён хорижий давлатларнинг турдош муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Бугунгача уюшма делегацияси Ўзбекистонга икки марта келган. Навбатдаги ташрифдан кўзланган мақсад Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ривожини янги босқичга кўтариш ва бунда «Кейдзай Доюкай»нинг ҳиссасини кўпайтиришдир.

Меҳмонлар шу мақсадда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида музокара ўтказди, Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари билан танишди.

- «Кейдзай Доюкай»нинг, айниқса, Ўзбекистон-Япония иқтисодий алоқаларини ривожлантиришдаги хизмати салмоқли, - деди ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев. - Япониядаги энг йирик фирма ва компаниялар раҳбарларини бирлаштирган бу уюшмани ишончли ва фойдали ҳамкор, деб биламиз.

Япониялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонда иш юритишга иштиёқи жуда баланд. Ташриф давомида меҳмонлар мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларга ташриф буюрди. Жумладан, Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия ҳамда Маданият ишлари вазирликлари, Марказий банк ва бошқа ташкилотларда бўлиб, самарали музокаралар ўтказди. Учрашувларда ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

Ҳадемай ўқувчи-ёшлар ҳаётида унутилмас дамлар бошланади. Уларнинг Ёзги таътил мавсумини сермазмун ўтказишни ташкил этиш учун Бухоро вилоятида катта тараддуд кўрилаётир.

«СЕМУРҒ» ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

Чунончи, кўркам ва баҳаво дам олиш масканларидан саналган «Семурғ» болалар оромгоҳида бугун ҳаёт қайнамоқда. Қайта реконструкция қилинган оромгоҳ қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Бош ҳомий ташкилот — Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси болажонларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Биргина таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун 100 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд ётоқхоналар сув ҳавзалари, ўйин майдончалари, маънавият хоналари мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Шербудун кўрғонида жойлашган бу сўлим масканда ўтган йили ҳар сменада 140 нафар бола дам олган бўлса, жорий йилда 200 нафардан жами 600 нафар ўқувчи-ёшлар ҳордиқ чиқаришлари мўлжалланаётир.

«Семурғ» болалар оромгоҳи бу йил ҳам болажонларнинг севимли маскани бўлиб қолади.

У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири.

«БОЛАЛАР ЁЗИ»ГА ШАЙМИСИЗ?

Яна бир неча кундан кейин мактабларда сўнгги қўнғироқ чалинади. Синов-имтихонларни аъло баҳоларга топшириб, «елкасидан тоғ ағдарилган» болажонлар оромгоҳлар сари талпинади. Тошкент вилояти кўчаларидан болаларни ёзги оромгоҳларга элтувчи автобуслар карвони ўтишига ҳам санокли ҳафталар қолди.

Бизга маълум қилишларича, бу йилги мавсумда вилоят касаба уюшмалари тасарруфида бўлган 17 та оромгоҳ 13 минг 725 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олади.

Айни кунларда оромгоҳларни мавсумга шайлаш, дам олувчиларга зарур шароитларни яратиш билан боғлиқ тадбирлар ниҳоясига етказилмоқда. Айниқса, Чирчиқ қурилиш материаллари ва жиҳозлари комбинатига қарашли «Гўзал», «Ўзбеккимёмаш» очиқ акционерлик жамиятининг «Ҳумо», Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги «Чимён» оромгоҳларида болажонлар мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этиб қўйилди.

- Ўқувчилар ёзги дам олиш мавсумини мароқли ўтказиши учун ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 125 миллион сўм маблағ ажратилмоқда,-дейди вилоят касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Турдиалиев. - Шунга мувофиқ оромгоҳларга йўлланмалар нархини ҳам бирмунча арзонлаштириш чоралари кўрилмоқда. Бултур энг қиммат йўлланма 24,5 минг сўм бўлган эди. Нима бўлганда ҳам, ота-оналар йўлланма ҳақининг ўн фоизигача тўлайдилар, қолгани корхона ва хўжалик касаба уюшмалари ҳисобидан қопланади.

Булар яхши, албатта. Бироқ масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Бултурги ёз мавсумида шаҳар атрофидаги оромгоҳларда 26 минг нафардан ортиқ ўқувчи дам олган эди. Бу йил мазкур кўрсаткич икки бараварга камайгани эътиборни тортади.

- Ўтган йили ўн битта оромгоҳ чегара ҳудудида жойлашгани боис ёпиб қўйилган эди. Шунга қарамай, дам олишга отланаётган болажонларнинг кайфиятини бузгимиз келмади. Уларни мажбурий равишда бошқаларига жойлаштирдик. Шунинг учун аксарият оромгоҳлар тўрт босқичда ишлади, 250 бола ўрнига ҳатто 400-500 нафаргача ўқувчини қабул қилди. Бу гал йўлланмаларни имкониятга қараб сотиш режалаштириляпти. Ҳар қалай, болалар оз бўлсада, соз дам олишига не етсин,- дейди бунга жавобан Р.Турдиалиев.

Вилоят мактаблари қошида ҳам одатдагидек, ўқувчиларнинг ёзги соғломлаштириш масканлари ишлайди. Бироқ ҳозирча улар икки минг ўғил-қизни қабул қилади. Ярим миллиондан ортиқ ўқувчиси бор вилоят учун бу жуда кам, албатта. Болалар дам олишини ташкил қилиш учун эса барча мактабларда ҳам зарур шароит мавжуд эмас. Шу боис аксарият болалар ёзги мавсумни ота-оналари ёнида ўтказишга мажбур. Ҳар нечук, улар ўзларини хафа қилдириб қўймайди деган умиддамиз.

(ЎзА).

АЖОЙИБ ШАХМАТЧИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Германияда халқаро шахмат турнири ниҳоясига етди. Ушбу мусобақаларнинг бош соврини учун жаҳоннинг 10 нафар етакчи гроссмейстери ўзаро баҳс юритди. Жаҳон таснифида 15-ўринни эгаллаб турган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам ушбу турнирда ўз маҳоратини намойиш этди. У 9 имкониятдан 6,5 очко тўплаб, мусобақалар ғолиби бўлди.

- Ғалабага эришиш осон кечгани йўқ, - дейди Рустам Тошкент аэропортида уни кутиб олиш чоғида. - Мусобақа иштирокчилари орасида менинг рейтингим энг юқори бўлиб, мен буни оқлашим лозим эди. Менинг фикримча, германиялик Артур Юсупов, беларуслик Михаил Гуревич каби кучли шахматчилар ушбу турнирга яхши тайёрланмаган.

Рустам Қосимжонов эришган ғалабанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у 3,5 йилдан буён ўз дастури бўйича мураббийсиз шуғулланмоқда.

- Жорий йилнинг ноябр ойида шахмат бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади ва мазкур мусобақага тайёргарлик кўриш менинг бу йилги энг асосий вазифамдир, - деди Рустам Қосимжонов.

(ЎзА).

«XXI АСР ЁШЛАРИ»

Бухорода ташкил этилган миллий маънавият кинолекторийси ана шундай номланди. Ушбу тадбирни амалга оширишдан мақсад - кино санъати асарлари ва маърузалар воситасида ёшларни мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлардан, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидан, дунёда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилиш ҳамда йигит-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдир.

Кинолекторий мавзуи ранг-баранг бўлиб, у «Мустақиллик - улуғ неъмат», «Буюк зотлар», «Ислом қадриятлари» ва «Ёшлар истиқболи» сингари рукнлардан иборат.

Ҳозирга қадар Бухоро кооператив, педагогика, автомобил-йўл техникумлари, иқтисодиёт ва банк, нефть ва газ саноати коллежларининг талабалари учун «Истиқлол йўлидан», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», каби мавзуларда маърузалар ўқилиб, ўзбек киносанъаткорлари томонидан суратга олинган фильмлар намойиш этилди. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби асосида яратилган ҳужжатли фильмлар туркуми ёшларда, айниқса чуқур таассурот қолдирди.

ЎЗБЕКИСТОН СИҲАТГОҲЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Таҳририятимизга вилоятлардаги турли соҳа кишиларидан келаётган хатларда улар республикамиздаги энг яхши, баҳаво, сўлим, дам олиш, саломатликни мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама қулай бўлган санаторий-профилакторийлар ҳақида кенгроқ тушунча беришни илтимос қилишган.

Ушбу мақола газетхон таклифига кўра тайёрланди.



Мамлакатимизнинг такрорланмас, гўзал табиати аҳолини соғломлаштириш учун зарур бўлган табиий-иқлимий омилларга бой.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасида 19 сиҳатгоҳ (17 та санаторий ва 2 та дам олиш маскани) бор. Барча санаторийларда маъданли сувлар, шифобахш лой, очиқ ва сув ҳавзалари каби табиий даволаш омилларидан фойдаланилади. Улардан маъданли сувлар ва лой алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Санаторийлар, уларнинг қуввати, иқлимий-жўғрофий ҳолати, табиий муолажа омиллари, уларнинг таъсири ва акс таъсири ҳақидаги маълумотлар шифокорларга ҳамда касаба уюшма ташкилотчиларига беморларни санаторий ва курортларга йўллашда қўл келади.

Республикада маъданли сувларнинг бой ресурслари аниқланган. «Чимён» санаторийси Маценстинскийдаги каби сероводород (сульфид)ли сувга, «Чортоқ» ва «Ниҳол» йод ва бромга бой. «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи-Хоса», «Косонсой» санаторийлари Сочи, Евпатория, Махачқала курортларидаги сингари хлоридли-натрийли сувларга эга. Худди Пятигорскдаги каби ноёб радонли сув эса Самарқанд вилоятидаги «Абу Али ибн Сино» санаторийсида топилган.

Барча санаторийларимиз кўп тармоқли лотлари учун спортзаллар, клуб ва кутубхона — буларнинг бари мароқли дам олишга ва даволанишга хизмат қилади.

Бу ерда қадимги халқ табобати, анъанавий ва ноанъанавий усулларни ўзида омухта қилган янги усулда, ўзига хос дастур бўлиб, улар йил бўйи фаолият кўрсатишади. «Ситораи Моҳи-Хоса», «Чимён», «Турон», «Чинобод» санаторийлари даволашнинг самарадорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки сарҳадларимиздан ташқарида ҳам машҳурдир.



Бизнинг санаторийларда нисбатан арзон ва мароқли дам олишингиз ҳамда ўз соғлиғингизни тиклашингиз мумкин. Бадастир жиҳозланган бир ва икки кишилик номерлар, икки хоналик «Люкс» шинам дам олиш ва кутиш хоналари, йўлдош антеннали телевидение, сузиш ҳавзалари, сауна, муолажа хоналарини ётоққоналар билан туташтирувчи ўтиш йўлаклари, ДФК машғулотлари учун спортзаллар, клуб ва кутубхона — буларнинг бари мароқли дам олишга ва даволанишга хизмат қилади.

Гальваник лой, маъданли сув ванналари, маъдан билан озиқлантириш, маъданли ичимлик суви, шунингдек, шифобахш гиёҳларни қўллаш — булар табиий омиллар асосида даволашнинг бир қисми, холос.



Ҳар йили республика касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида 50 мингдан кўпроқ одам, жумладан, 4 минг болалар ва ўсмирлар, 1200 байналмилал жанғчилар ўз соғлигини тиклашади ва мароқли дам олишади. Тахминан 7 минг одам амбулатория курси бўйича даволанишади.

Республика санаторийлари замон талабига жавоб берадиган даволаш — диагностик базалар, замонавий жиҳозланган функционал-ташхис хоналари, клиник ва биохимик лабораториялар, рентген кабинетларига эга. Кейинги йилларда аввал курортлар амалиётида қўлланилмаган янги даволаш усуллари, масалан, психорефлекс, магнит ва лазер терапиялари кенг кўламда татбиқ этилмоқда.

Қуёш, ўзига хос ҳаво, турли-туман мева ва сабзавотларнинг тўкин-сочинлиги Ўзбекистон Республикасининг катта бойлиги ҳисобланади. Бу ерда иқлимий, лой билан даволаш, даволовчи жисмоний машқлардан кенг фойдаланилади. Нафас олиш йўллари касалликлари билан оғриган беморларни даволашда юксак самараларга эришилган «Оқтош» ва «Мироқи» сиҳатгоҳлари ўзининг иқлим шароитлари билан анча машҳурдир. Тоғ иқлимининг самарали таъсири, арчазорларнинг кўплиги, аллергенларнинг йўқлиги, табиий аэрогидроионизация — буларнинг бари бронхўпка тизимига таъсир этиб, оқибатда бронхиал астма хуружининг камайишига, ҳатто бутунлай барҳам топишига омил бўлмоқда.

Санаторий ва курортларда беморларни маъданли сувлар билан даволаш усули энг муҳим усуллардан биридир. Бу усулни қўллаш сувнинг кимёвий таркиби ва касаллик характерига боғлиқ. Бизнинг сиҳатгоҳларда бальнеотерапия учун ер ости ва сунъий равишда тайёрланган маъданли сувлар ишлатилади. Бу сувларнинг манбаи санаторийлар ҳудудида жойлашган. Айниқса, табиий сульфидли, хлоридли, натрийли, радон, йодобромли ва бошқа маъданли сувлар кўпроқ шифобахшдир.

Республикамиздаги даволаш-профилактик ва санаторий-курорт муассасаларида Жиззах вилоятидаги Балиқчи кўлидан олиб келиниб, махсус жойларда сақланадиган балчиқли сульфид лойидан фойдаланилади.

Санаторий-курортлардаги даволашнинг самарадорлиги ва натижаларнинг барқарорлиги муолажани ташкил қилиш даражаси ҳамда беморларга зарур санаторийларга йўлланма берилишига жуда-жуда боғлиқдир.

Қуйида Ўзбекистон касаба уюшмалари сиҳатгоҳлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирамиз.



«Оқтош» санаторийси: тиббий маълумотлари — нафас олиш йўллари касалликлари; асосий даволаш омиллари — иқлим тепарияси (соф тоғ ҳавоси, табиий гидроионизация).

«Турон» санаторийси (мос равишда): қон айланиш системаси, гинекологик ва андрологик касалликлар; каммаъданли хлорид-гидроарбонат — сульфатли натрий сувлари; игнабаргли, карбонат-ангидридли, кислородли, радонли ванналар, шифобахш лой.

«Чинобод» санаторийси: овқат ҳазм қилиш органлари, эндокрин системалари, гинекологик касалликлар; хлорид-гидрокарбонатли натрийли сувлар, балчиқ лой.

«Чимён» санаторийси: овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системалари, таянч-ҳаракат аппаратлари, гинекологик, урологик касалликлари; серо-водородли минерал сувлар, балчиқли лой.

«Чортоқ» санаторийси: овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системалари, таянч-ҳаракат аппаратлари, тери ва гинекологик касалликлари; каммаъданли сульфат — хлоридли натрийли минерал сувлар ва кўпмаъданли термал, гипертермал, йодли, хлорид-кальций-натрийли сувлар.

«Ситораи Моҳи-Хоса» санаторийси: буйрак, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб тизимлари ва таянч-ҳаракат аппаратлари касалликлари; сульфат-хлорид, натрийли сувлар.

Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.

Дам олишни ҳам билайлик

ХИЗМАТ ЖОЙИ — ТОҒ ҚИШЛОҒИ

Деҳқонобод туманида юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. 17500 оила истиқомат қилаётган 101 қишлоқнинг аксарияти қир-адирлар билан ўралган паст-текисликларда, кўзни қамаштирадиган тоғ ва тоғ этакларида жойлашган.

— Қишлоқлар оралиғи бир-биридан анча олис, - дейди марказий касалхона бош ҳакими, тиббиёт фанлари номзоди Холмирза Жўраев. — Шунинг учун шифокорларимиз бошқа ҳудудлардаги ҳамкасбларига қараганда икки карра кўпроқ меҳнат қилишларига тўғри келади.

Тиббиётнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тоғликларга қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Туманнинг Қизилча, Откамар, Қирқулоч, Шургузар қишлоқларида ҳар бирига 30 миллион сўмдан маблағ сарфланиб, 4 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилди. Учтаси қайтадан таъмирланди. Бу йил «Оқробот» жамоа

Инсон омилига эътибор

хўжалигининг Хўжа Маҳмуд, «Қўнғирот» хўжалигининг Тоғайтемир, «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг Чучуккудуқ қишлоқларида янги тиббий пунктлар ишга тушади. Маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар ёрдамида 3,5 миллион сўм маблағ сарфланиб, шошилинч тиббий ёрдам маркази очилди.

Шоҳмар қишлоғи туман марказидан 196 километр олисда. Бу ерда 5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Олий маълумотли шифокор Фахриддин Примов раҳбарлик қилаётган фельдшер-акушерлик пункти ходимлари кеча-кундуз хизматга ҳозиру нозир. Бошчарвоғ қишлоғидан Бойсари Мақсадов, Гала қишлоғидан Исмат Муродов, Чучуккудуқдан Панжи Муҳаммадиев каби халқ соғлиғи посбонларининг ишидан ҳамма мамнун.

— Туманимизда 14 ёшгача бўлган болалар аҳолининг салкам ярмини ташкил этади, - дейди бош педиатр Х.Норматов. — Кўплаб тўғиш ёшидаги аёллар бўлиб, оналар ва болалар соғлиғини тиклашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳомийлар томонидан 2 миллион сўм маблағ сарфланиб, 75 ўринли туғруқхона, 20 ўринли жарроҳлик бўлими ишга туширилди.

Ёлғиз қариялар, нафақахўрларга тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. 300 дан ортиқ уруш қатнашчилари учун марказий шифохонада алоҳида палаталар ташкил қилинган бўлиб, уларга олий тоифали врач Норменгли Шарипов астойдил хизмат кўрсатмоқда.

Элга хизмат — олий ҳиммат, дейдилар. Деҳқонободликлар олий тоифали жарроҳ Рашид Хўжамуродов, болалар шифокори Озод Ризвонов акушер-гинеколог Зебинисо Болтабоева, ўрта тиббий ходимлар Барно Жўраева, Дилфуза Ҳайитова, Чори Маликов, Наргиза Хуррамоваларнинг номини ҳурмат билан тилга олишади.

— Ишимизда қатор муаммолар ҳам бор, - дейди туман бош ҳакими Х.Жўраев. — Тоғ қишлоқларида жойлашган тиббиёт муассасаларида телефон алоқасини йўлга қўйиш, марказий шифохонамизга «Тез ёрдам» кўрсатадиган енгил автомашиналари ажратиш, тоғ ҳудудида хизмат қилаётгган ходимларимизни от-улов билан таъминлаш керак.

... Олис тоғ қишлоғидан чақириқ келди. Чорвадор аёл тўлғоқ дарди билан қийналаяпти. Деҳқонободлик шифокорлар тезлик билан бемор ёнига жўнаб кетишди. «Тез ёрдам» машинасининг ортидан тикилар эканман, тоғ аёлининг омон-эсон кўзи ёришини тиладим.

ЁЛҚИН.

Жиноятга жазо муқаррар

ТАЪМАНИНГ УМРИ ҚИСҚА

фирибнинг ҳам...

Бу жиноий хатти-ҳаракатларнинг номини французча тилида «шантаж», ўзбекчада «товламачилик» деб атайдилар. Ўзимизча оддий қилиб айтсак, у бировларни кўркитиб пулини олишдир. Бахтга қарши ҳали ҳаётимизда оз бўлса-да фирибгарлар учраб туради. Келинг, улардан айримларининг «фаолияти» билан қизиқиб кўрайлик.

... Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи, қонуний асосда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган Отабек Ҳайитовга «Юнусобод Универсал бозори» ҳудудида икки нафар шахс йўлиқиб, ўзларини таништиришди.

— Мен Қобил бўламан, — деди уларнинг каттароғи, — шеригим эса Йўлдош. Биз шу ернинг назоратчиларимиз. Мабодо бозорда тинчгина юришни хоҳласанг, бугун кечгача 200 минг сўмни «есть» қилишинг керак. Акс ҳолда... бу ерда савдо қилолмайсан. Кейин... ҳаётинг, сиҳат-саломатлигинг учун ҳам кафолат беролмаймиз.

Отабек аввалига қўрқиб кетганлигидан «хўп» деб юборди. Лекин кейинроқ унга ақл кирди. «Нега энди қандайдир фирибгарларга бекордан-бекорга 200 минг сўм беришим керак экан?» деган фикр ўтди хаёлидан ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилди. Ўша куни кечки пайт иккала товламачи тадбиркор Ҳайитовнинг қўлидан махсус ишлов берилган 200 минг сўмни олаётган пайтларида қўлга тушдилар...

Қобил деганлари Шаҳрисабз туманининг «Наврўз» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 31 ёшли Норқобил Бўриев, «Йўлдош» деганлари эса Сариосиё туманида яшовчи, ишсиз, 28 ёшли Йўлдошбой Ҳамроев бўлиб чиқдилар. Ҳозир тергов органлари улар устидан суриштирув ишларини олиб боришмоқда.

Чилонзор туманида истиқомат қилувчи, шу туман ҳудудида қонуний равишда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган Муҳиддин Жалилов шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг Қўйлиқдаги «Бозорларда деҳқон ва тадбиркорларни жиноятчи шахслар тазъйиқидан ҳимоя қилиш» бўлимининг ўта муҳим ишлар юзасидан тезкор вакили, милиция майори Раҳимжон Тожибоевга ариза билан мурожаат қилди. Аризасида Илҳом Ғаффоров деган шахс ундан 2 миллион сўм миқдорида пул талаб қилаётганлиги, мабодо шу пулни топиб бермаса, уни қаматиб, йўқ қаерда ишламайдиган шахс бўлиб чиқди. Ҳозир уни ҳам суднинг қора курсиси кутмоқда.

Ана энди ашаддий товламачиларнинг яна бири билан яқиндан танишиб қўйинг. Ўзини «Талъат» деб таништирган бу шахс Наманган вилоятининг Норин туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Ваҳобжон Жўраевдан ҳар ойда 40 минг сўмдан «солиқ» талаб қила бошлаган. Товламачи учун наманганлик тадбиркордан олган махсус ишлов берилган пуллар жуда қимматга тушди.

Кейинги пайтларда товламачилик ва фирибгарликнинг бир кўриниши авжга чиқмоқдаки, бу ҳақда газетамизнинг аввалги сонларида мақола чоп этилган эди. Гап кўпгина соддадил фуқароларни чет элга ишга юборажаги ҳақидаги ваъдалар билан алдаб, уларнинг пулларини олиб, чув туширган кимсалар ҳақида кетяпти. Собир Раҳимов туманида истиқомат қилган Дилфуза Комилова бир эмас, ўн уч нафар фуқародан уларни «Қувайт ва Жанубий Корея мамлакатларига ишга юбораман» дея нақ 43 минг 300 АҚШ долларини шилиб олган. Лекин ўн тўртинчи мижозга келганда ундан омад юз ўгирди, қўқонлик, ҳеч қаерда ишламайдиган Зариф Нишоновни Қувайтга, сердаромад ишга юборишни ваъда қилиб, ундан 2500 АҚШ доллари олаётган пайтда орқаси «очилиб» қолди.

Эндигина 26 баҳорни қаршилаган Мурод Қаноатов ҳам соддадил кишиларни лақиллатишда устаси фаранглардан экан. Акмал Икромов туманида истиқомат қилган бу йигит Жанубий Кореяга ишга жўнатишни ваъда қилиб самарқандлик фуқаролар Собир Шаропов, Талъат Ҳалилов, Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Шерали Тоировларнинг ҳар биридан 700 доллардан олгану бирданига ғойиб бўлган. Кейинчалик булунғурлик Мўъин Турсуновдан 700 доллар ундираётган пайтда тезкор гуруҳ аралашуви билан унинг фаолиятига чек қўйилди.

Шу ўринда бир нарсани уқтириб кетиш жоиздир. 1995 йил октябр ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хориждаги профессионал фаолиятлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ фуқароларимизни чет элга ишга юбориш билан боғлиқ фаолият фақатгина Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам республика ҳудудидаги бошқа юридик ва жисмоний шахслар мазкур фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига мутлақо эга эмаслар. Чет элга ишга боришни хоҳловчилар туман меҳнат бўлимларига мурожаат этиб, навбатга туришлари шарт. Мазкур фуқароларнинг ҳужжатлари билан махсус комиссия танишади. Ҳужжатлар ўрганилиб, ижобий баҳоланган кейингина фуқарога чет элга бориб ишлаш ҳуқуқини берувчи лицензия топширилади. Шунинг учун ҳам юртдошларимиз «Сизни фалон мамлакатга ишга юбораман, фистон давлатга жўнатаман» дея ваъда берувчи лўттибозларга мутлақо ишонмасликлари кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни хоҳлар эдик.

Меҳнаткашларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Қонунни, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган киши ҳаётда ютқазмаслигини кундалик турмушимиз тасдиқлаб турибди. Ўйлаймизки, юқорида зикр қилганларимиз кимлар учундир ҳаёт сабоғини ўтайди, кимларнидир қалтис йўлдан қайтаради...

Қодиржон СОЛИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ коррупция-таъмагирлик ва рэкетга қарши курашиш бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

Малик НУРИДДИНОВ,
журналист.

БОҒЧАДА МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Шарқона дастурхон тузалган ўзбек хонадони. Хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўшалган. Хонадон соҳибаси икки набирасини етаклаган табаррук бувижонни қучоқ очиб кутиб олди. Меҳмонлар дастурхонга таклиф этилдилар. Эл-юртимиз тинчлиги, фарзандларимиз саломатлигию камолоти, хонадонларимиз ободлигини Яратгандан сўраб дуога қўл очилди.

— Эсон-омон юрибсизларми, ўғил-қизлар тинчми?

— Шукур, ўзингиз яхшимисиз, қудажон? Худди келишингизни билгандек тандирда нон ёпиб турувдик.

Шу пайт набира бўрсилдоқ нонларни бувижонисининг олдига қўйди ва ноннинг азизлиги ҳақида шеър ўқиб берди.

— Мана қуда, набирамиз ҳам ёшига тўлиб, тиши бўртиб қолди. Бунинг устига «ғоз-ғоз» турмоқда. Келганингиз баҳонасида тиши қийналмай чиқсин деб, расми-русмини қилиб, буғдой қовурамиз. Биринчи қадам босиши муносаба-



ти билан кулча думаламиз.

Сиз юқоридагилардан бирор театр ёки хонадон ҳаётидан ҳикоя қилиняпти, деб ўйлагандирсиз. Йўқ, биз келтирган кўриниш пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлимига қарашли 461- «Ғунча» болалар боғчаси театри ижрочилари — тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг «Маънавият ва маърифат сарчашмалари» тадбирига тайёрлаган ижоди маҳсулидир. Ушбу масканда бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Чунки миллий қадриятларимиз болажонларга боғча ёшиданоқ сингдирилса вақти келиб ўз ижобий самарасини беради.

Ушбу тадбирда тумандаги барча болалар боғчаларининг тарбиячилари, услубчилари, ота-оналар иштирок этдилар. Боғчанинг бу соҳадаги тажрибаси бошқа мактабгача таълим муассасаларига тавсия этилди.

Ҳозир бу ерда ўнта гу-

Ватан — юрагимда якка ягонам

руҳда 360 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Ҳар бир гуруҳнинг ўз иш йўналиши мавжуд. Яъни, биринчи тайёрлов гуруҳи лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўргатиш йўналишида иш олиб борса, иккинчисида иқтисодий билимлар берилади. Биринчи катта гуруҳда экология масалалари, иккинчисида мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди билан таништириб борилади.

Бундан ташқари, гуруҳларда мактабгача таълим-тарбия дастури асосида иш олиб борилади. Хусусан, тарбиячилар машғулотларда ўғил-қизлар дунёқараши ва фанлар бўйича бошланғич кўникмаларни шакллантирадилар. Шунингдек, боғчада фаолият кўрсатаётган инглиз тили, рус тили, каратэ, қўл меҳнати тўгаракларли ташкил этилганидан ота-оналар хурсанд.

— Боғчамизда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилади, - дейди мудира Муяссар Юсупова. — Шу боис, махсус спорт хонаси ташкил этилган бўлиб, болажонлар нарвончалар, копток, гимнастика таёқчалари ёрдамида турли машқларни қизиқиш билан бажарадилар.

Бизда қўғирчоқ театри мавжуд бўлиб, унда кичкинтойлар боғча опалари ёрдамида турли халқларнинг эртакларини саҳналаштириб, томошалар кўрсатадилар.

Куни кеча кичкинтойларнинг севимли масканида туман миқёсидаги яна бир ажойиб машғулот бўлиб ўтди. «Баркамол авлод» шиори остида ўтган ушбу тадбир «Болаларни қиш фаслида чиниқтириш» мавзуига бағишланди.

Энди «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловига тайёргарлик бошлаб юборилди.

Буларнинг барчасида 27 нафар педагог ходимнинг ҳиссаси катта. Уларнинг беш нафари биринчи, тўққиз нафари иккинчи тоифали тарбиячилардир. Боғчанинг «Маънавият ва маърифат» хонаси, мўъжазгина кутубхона кичкинтойлар онгу шуурига маърифат нурини сингдиришга ёрдам бермоқда.

Дарвоқе, яна саноқли кунлардан кейин мазкур боғча ташкил этилганлигининг 30 йиллик юбилейи нишонланади.

Байрам баҳона кўп йиллар давомида ушбу масканда ишлаган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрий тарбиячилар, фаол ходимларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилади.

Мусиқа залидан Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига тайёргарлик кўраётган болажонларнинг қўшиқлари янграйди:

Ватан — ҳаёт берган
отам, ҳам онам,
Ватан — юрагимда
якка-ягонам,
Аждодим мероси —
Ўзбекистоним,
Авлодим қуёши —
Ўзбекистоним.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар,



Огоҳликка даъват

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Туманимиз чегара ҳудуд ҳисобланади. Табиийки, бундай шароитда ўта ҳушёрлик, қатъиятлик ила фаолият юритишимиз даркор. Ҳар куни олис қишлоқларимизни кезарканман, одамларга синчков назар ташлайман. Улар қалби беғубор, яшаш, яратиш ишқи билан ёнган, йил сайин кўплаб ноз-неъмат етиштираётган асл фидойилардир. Аксарият фуқаролар, хусусан, ёшларимизнинг она Ватанга бўлган эътиқоди мустаҳкам эканлиги, улар ўз бурчларини чуқур ҳис этаётганликларини дилдан ҳис қиламан. Бироқ ҳаётда ҳамма нарса текис кетмайди. Гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, кўпнинг орасидан шу осуда ҳаётимиз қадрига етмаётган, иродаси бўш кимсалар ҳам кўзга ташланиб қолади.



Шу боис, прокуратура ходимлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, маҳалла оқсоқоллари, жойлардаги касаба уюшмалари, «Нуроний» жамғармаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази вакиллари билан ҳамжиҳатликда тарғибот-ташвиқот ишларини қизғин олиб бормоқдалар.

Кўпинча одамлар орасида бўлиш, кишилар кайфияти, орзу-интилишлари билан яқиндан танишиш умумий ишимизнинг самарали бўлишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳозир барчамиз Яратганга шукроналар айтиб, осуда ҳаёт кечиряпмиз. Бироқ, тинч-хотиржам яшаш, мустақиллигимизни кун сайин мустаҳкамлаб боришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир фуқаро ўзини шу улуғ, муқаддас ишга сафарбар деб билмоғи лозим. Табиийки, ўрни келганда баъзи нопок, тўғри йўлдан адашган кишиларга нисбатан қатъий чоралар кўришга тўғри келади. Хусусан, динни ниқоб қилиб олиб, ёшлар онгини заҳарлашга уринган, уларни жиноятга етаклаган кимсалар адолатли тарзда қонун олдида жавоб бердилар. Биз ўз фаолиятимизда бундайлар томонидан алданган ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳаётий мисоллар орқали диний экстремизм ва терроризмнинг асл башараси очиб ташланмоқда.

Тарбиявий-ташкилий ишларни олиб боришда бизга маҳалла оқсоқоллари яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар орқали ҳар бир маҳалла ҳаёти билан мунтазам қизиқилмоқда. Баъзи бир саёқ юришга одатланган, ёш умрини бемақсад ўтказаётган ёшлар қатъий назоратга олинган. Улар билан нуронийлар доимий равишда суҳбатлар ўтказиб, фойдали йўл-йўриқлар беришмоқда.

Яқинда туманнинг «Озодбош» қўрғонидаги 6-ўрта мактабда «Юрт тинчлиги — Ватан ободлиги» мавзуида ўқувчилар ҳамда қишлоқлар аҳолиси билан учрашув ўтказилди. Унда республика «Маънавият ва маърифат» маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этиб, айниқса, чегара районида яшаётган одамлар ҳамиша, ҳар сония огоҳу ҳушёр бўлишлари кераклиги ҳақида гапирдилар. Эътиборлиси шуки, бир вақтлар ярамас оқимлар таъсирига берилган ва эндиликда кўзи мошдек очилиб, тўғри йўлга тушиб олган кишиларнинг дил сўзлари, афсус-надоматлари катта сабоқ ролини ўтамоқда. Айни пайтда аҳолида диний экстремизм ва терроризмга бўлган нафратни янада кучайтирмоқда.

Прокурор сифатида энди одамларимиз огоҳу ҳушёр бўлиб қолганликлари, маҳаллаларда баъзида пайдо бўлаётган бегоналарни сўраб-суриштириб, лозим бўлса, тегишли идораларга маълум қилаётганликлари мени қувонтиради. Терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада олис қишлоқларда яшаб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитишга уринган кимсалар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари қўлланилди ва айблов ҳукмлари чиқарилди.

Кўпмиллатли кишилар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам кутилган натижани беряпти. «Ўз уйингни ўзинг асра», «Ҳушёрлик — тинчлик-хотиржамлик гарови», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ватан битта, Ватан ягона» каби мавзуларда ўтказилган мулоқотларда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам иштирок этиб, ўзларининг ҳаяжонли ҳикоялари, дил сўзлари орқали барчани шу осуда кунлар қадрига етишга чақирдилар.

Туман прокуратураси «аср вабоси» бўлмиш гиёҳвандликка қарши ҳам муросасиз кураш олиб бормоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ, чегара районида гиёҳвандлик билан шуғулланишни ихтиёр этган кимсалар бўлиши табиий. Жорий йилнинг ўтган даври ичида ўнта гиёҳванд тузоққа илинди. Уларнинг ҳар бири «фаолияти» бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Баъзи кишиларга ҳайронсан, кимларнингдир гапига лаққа учиб, жиноят йўлига кирадилар. Мисол учун Ғазалкент шаҳрида истиқомат қилувчи У.Аблақулов текширувдан ўтказилганда, унинг ёнидан героин моддаси топилди. Иқрор бўлишича, бу шахс доимий равишда гиёҳванд моддасини истеъмол қилиб келган. Судда у айбига иқрор бўлиб, минг бора афсус қилаётганлигини таъкидлади. Бироқ сўнгги пушаймон ўзингга душман, дейдилар.

Изчил фаолият туфайли Ғазалкентда яшовчи М.нинг уйида текширув ўтказилганда, гиёҳвандлик моддалари аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олинди ҳамда йўқ қилинди.

Гиёҳвандликнинг инсон ҳаётига қанчалик хавфли эканлигини кўрсатиш, ёшлар онгишуурига таъсир ўтказишда «Гиёҳвандлик — аср вабоси» деб номланган ҳужжатли фильм катта рол ўйнаганлигини таъкидлашни истардим. Биз ўз ўрнимизни кўпроқ одамлар орасида деб билиб, кенг тушунтириш ишларини ҳамжиҳатликда олиб бораверамиз.

Расулжон ЖЎРАЕВ,
Бўстонлиқ тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Жиззах вилояти газтаъминот шўъба корхонасига қарашли хушманзара тоғ бағрида жойлашган «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳини таъмирлаш ишлари бу йил барвақт бошлаб юборилди. Чунки агар ўтган йили бу масканда 3 босқичда 300 ўқувчи ҳордиқ чиқарган бўлса, жорий йилда эса 450 нафар бола мириқиб дам олади. Шундан 4-босқичда 150 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзанди вилоят бюджети ҳисобидан бепул ҳордиқ чиқаради.

Айни кунда ошхона, спорт майдончалари, йўлакчалар ва сув қувурлари таъмири ниҳоясига етай деб қолди.

Б.ШЕРМАТОВ.

Омбудсман ваколатхонасида

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Андижон вилоят касаба уюшмалари уйида Республика Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман ваколатхонаси ишлаб турибди. Унинг қабулхонаси маълум жадвал бўйича меҳнаткашларни қабул қилмоқда. Улардан тушган ариза ва шикоятларни вилоят ҳокимлигининг эксперт гуруҳи атрофлича ўрганиб, ҳал қилиш чора-тадбирларини кўраётир. Бу ерда фуқароларни вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Азизбек Содиқов ҳам қабул қилади. У айни пайтда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Андижондаги Вакили ҳисобланади. Мухбиримиз Азизбек Содиқов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Азизбек Абдулҳамидович, вилоят касаба уюшмалари кенгаши қошидаги фуқароларни қабул қилиш хонаси кўпдан бери ишлаб келади. У билан деярли ёнма-ён ваколатхона ҳам ишлаб турибди...

— Ваколатхонанинг вилоят касаба уюшмалари кенгаши биносида ташкил этилиши айни муддао, деб ўйлайман. Мамлакатимизда инсонпарвар, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Ҳозирги даврда Олий Мажлис депутати сифатидаги, қонун чиқарувчи энг юқори органнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси сифатидаги фаолиятни уйғун ҳолда олиб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу уйғунлик ўз сайловчиларим билан тағин ҳам кўпроқ учрашиб туришга, уларга янада яқинлашишга, аҳоли талаб эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганишга кенг имкон бермоқда. Аслини олганда, бу учала вазифанинг мақсад-вазифаси бир: меҳнат кишисининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдан, мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ишига хизмат қилишдан иборатдир.

Вилоятда Омбудсман вакилининг ишлаб туриши аҳоли учун катта қулайлик яратганини таъкидлаб ўтмоқчиман, зотан илгари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятидан қониқмаган ёки улар томонидан қонуний ҳуқуқлари камситилган кишилар анча вақт ва пул сарфлаб, республика марказига боришга мажбур бўлар эдилар. Энди эса бундай масалалар вилоятнинг ўзида ҳудудий ваколатхона ёрдамида ҳал қилинмоқда.

— Ваколатхонага фуқароларнинг мурожаати ва ариза-шикоятларининг тушиши қандай бўляпти?

— Ваколатхона очилганидан буён фуқаролардан 30 та ёзма ариза олдик. Шундан 7 таси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ҳақида. Кўриниб турибдики, тушган аризаларнинг тўртдан бир қисмигина бевосита омбудсман ваколатига кирадиган хатлардир. Бу, фуқароларда ҳали ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги, янги ташкилотнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яхши тушунмаслик оқибатидир.

Шунинг учун ҳам сайловчилар билан учрашганимизда, меҳнаткашларни қабул қилганимизда, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлганимизда фуқароларга ариза ва шикоятлар билан қаерга, қандай мурожаат қилиш зарурлиги ҳақида ҳам сўзлаб беришга тўғри келяпти. «Фуқаролар мурожаатлари ҳақида»ги Қонун тўғрисида сўзлаб беряпмиз. Бевосита Ваколатхонага алоқадор шикоятлар эса ҳал қилиб борилмоқда. Бир мисол келтираман: Балиқчи туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи Иброҳимжон Раҳимов илгари ички ишлар соҳасида ишлаб келгани, лекин ноҳақдан бўшатилгани, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилгани хусусида шикоят қилди. Ариза эксперт гуруҳи томонидан батафсил ўрганилиб, шикоятда жон борлиги аниқланди. Натижада иш судда қайта кўриладиган ва гуруҳ вакили адвокат сифатида қатнашадиган бўлди.

«Депутатни халқ сайлайди. Халқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш улардан авваламбор, ҳақиқий ватанпарварликни, ҳалол, фидойи бўлишни, ҳузур-ҳаловатдан кечишни, одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳволидан хабардор бўлиш, тақдирига куюнчаклик билан ёндошиш, лўнда қилиб айтганда, том маънода халқ дарди билан яшашни талаб этади». Президентимизнинг бу сўзлари депутатлик фаолиятини касаба уюшмалари иши билан боғлиқ ҳолда олиб боришни талаб этади, бизни ўз вазифамизга янада масъулият билан ёндошишга, меҳнаткашлар билан ҳамнафас бўлишга ундаб туради.

Суҳбатдош:
М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA

ПЕКИН. Хитойда ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. БМТнинг Болалар жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда ўттиздан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этмоқда. Анжуман иштирокчилари бир неча кун давомида Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилади, истиқболдаги режаларни белгилаб олади.

* * *

***МОСКВА.** Венесуэла президенти Уго Чавеснинг Россияга расмий ташрифи бошланди. У президент Владимир Путин ҳамда бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказади. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида қўшма баёнот қабул қилиниши кутилмоқда.*

* * *

ДУБАЙ. Саудия Арабистонида ичкилик маҳсулотлар контрабандаси билан шуғулланганликда айбланиб тўрт киши ҳибсга олинди. Қўлга тушганларнинг икки нафари Буюк Британия, қолганлари эса АҚШ ва Греция фуқароларидир. Улар Жидда шаҳрига спиртли ичимлик олиб киришга уринган.

Саудия Арабистонида спиртли ичимлик сотиш ва истеъмол қилиш тақиқланган. Мамлакат хавфсизлик хизмати анчадан буён бундай жиноятчиликка қарши кенг кўламли кураш олиб боради.

* * *

***ГААГА.** Нидерландияда кимёвий қуролларни тақиқлаш ташкилотининг навбатдаги сессияси бошланди. Унда кимёвий қуролларни ишлаб чиқариш, тўплаш ва ишлатишни тақиқлаш бўйича халқаро конвенцияга қўшилган давлатлар вакиллари иштирок этмоқда. Анжуманда ташкилот бюджетини белгилаш, бошқарув органини ислоҳ қилиш, шунингдек, кимё соҳасида ишлайдиган корхоналарни текшириш ва бундай қуроллардан тинчлик йўлида фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.*

* * *

КОЛОМБО. Шри-Ланка соҳил қўриқчилари ноқонуний равишда мамлакатнинг денгиз ҳудудига кирганликда айблаб, ҳиндистонлик 31 нафар балиқчини қўлга олди. Мамлакат ички ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, ҳибсга олинганлар «Тамил илама» озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳига қурол-яроғ, ёқилғи, озиқ-овқат ва дори-дармон олиб бориб берган бўлиши мумкин. Чунки улар айирмачилар назоратида бўлган Жафна ярим ороли қирғоқлари яқинида ушланган.

* * *

***ВАШИНГТОН.** АҚШ давлат департаменти вакили Сюзан Питтман Оқ уй маъмурияти Шимолий Кореяга юз минг тонна озиқ-овқат жўнатишни режалаштираётганини маълум қилди. Унинг айтишича, бу маҳсулотлар болалар ва ҳомиладор аёллар орасида тарқатилади.*

(ЎзА).

NIMA GAP

Назм гулшани

ФАХРИЯ

Энди ҳеч тўкилмас кўз ёшинг, юртим,
Мангу нур сочажак қуёшинг, юртим,
Истиқлолга элтди бардошинг, юртим,
Яратганнинг ўзи йўлдошинг, юртим,
Аждодлари буюк — ўчмас излигим,
Бу менинг Ўзбегим, менинг Ўзбегим.

Асирликда ётдинг неча асрлар,
Ҳуқуқинг топтади қалби басирлар,
Миллат-чун жон берди қанча жасурлар,
Мана, адолатдан қурдинг қасрлар.
Ҳақ йўлнинг олдида сен бир сўзлигим,
Бу менинг Ўзбегим, менинг Ўзбегим.

Амир Темур бобом туғи қўлларда,
Карвонинг қоқилмас қутлуғ йўлларда.
Юртим мадҳияси бийрон тилларда,
Ўзбекнинг иймони яшар дилларда.
Алпомиш йигитлим, Барчин қизлигим,
Бу менинг Ўзбегим, менинг Ўзбегим.

НИЯТ

Юртни тутсин Оналарнинг аллалари,
Эрк ҳақида янграр алёр, аллалари,
Ҳатто тушда кўрманг энди нолаларни,
Куйланг дилдан, ширин-ширин куйлар бўлсин,
Туронимда энди фақат тўйлар бўлсин.

Олис-олис манзилларга элтар йўлим,
Само узра узатсам ҳам етар қўлим,
Менинг олий нишонимдир Ўзбеклигим,
Ҳавас билан кўкдан ой ҳам бўйлар бўлсин,
Туронимнинг тупроғида тўйлар бўлсин.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор,
Мен бахтимни кўз-кўз қилай, такрор-такрор,
Кўз тегмасин, кўкрагингга бўлай тумор,
Кимки дилшод қувонч, бахтдан сўйлар бўлсин,
Туронимда энди фақат тўйлар бўлсин.

Шаҳзода МИРЗАЕВА,
Муборак тумани,
Қарлиқ қишлоғи.



Сўраган эдингиз

«ҚИЗИЛ КИТОБ» ҲАММУАЛЛИФЛАРИ

Гўзал табиатнинг ўсимликлар дунёсини тадқиқ этиш борасида Ўзбекистонда ҳам кенг кўламли кузатишлар олиб борилмоқда. Бунда шубҳасиз Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти олимларининг жўшқин фаолияти салмоқли ўрин тутаётир.

— Бу ерда ўсимлик олами миридан сиригача ўрганилади, - дейди директор ўринбосари Ёқут Солиева. — Қатор тадқиқотлар, чўл ва тоғлар бўйлаб уюштирилган экспедициялар туфайли турли гиёҳлар хусусияти, уларнинг тарқалиш қонуниятлари, экологиясини акс эттирувчи илмий ишлар юзага келди.

Институт негизида «Ўзбекистон марказий гербарийси» яратишга киришилгани нур устига аъло нур бўлди. Бу жой бутун Марказий Осиё ботаниклари учун илмий манба ҳисобланади. Ҳозир унда Ўрта Осиё ва ер куррасининг наботот оламига доир юз минг нусхадан иборат намунаси бор. Шу ноёб гербарийлар ва мавжуд асарлар асосида олти жилдли «Ўзбекистон флораси», 10 жилдли «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи», «Ўзбекистон Қизил китоби» каби йирик монографиялар ёзилди.

Мутахассислар Туркияда ўтказилган «Жанубий-Ғарбий Осиё ўсимликлари ҳаёти» деган халқаро анжуманда қатнашиб, ўз изланишлари ҳақида гапириб бердилар. «Жанубий-Ғарбий ва Марказий Осиё ўсимликлари ҳаёти» халқаро анжумани ҳам наботот оламини ўрганиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Ана шу симпозиум материаллари инглиз тилида чоп этилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон «Қизил китоби»нинг тўлдирилган иккинчи жилди ҳам босилиб чиқди.

Ҳозир тадқиқот масканида ўндан ортиқ илмий лаборатория ишлаб турибди. «Геоботаника» лабораториясида босмага тайёрланган «Ўзбекистоннинг ўсимликлар қоплами ва ундан самарали фойдаланиш йўллари» тўплами Ўрта Осиё ҳудудини ўрганишда муҳим қўлланмага айланган.

«Фойдали ўсимликларни излаш ва муҳофаза қилиш» лабораторияси изланишлари натижасида Тошкент вилояти асосий доривор ўсимликларининг жамғармаси ва тарқалиш харитаси тузилди.

Маълумки, Ботаника институти Ўзбекистон Фанлар академияси қарори билан 1950 йилда ташкил топди. Бугунги кунда у Тошкент Ботаника боғини ўз таркибида бирлаштирган. Ботаника боғи ўзининг Тошкент тажриба даласига ҳам эга. Унда тажриба лабораторияси ҳам бор.

Бўстонлиқ тоғ Ботаника стационари эса уч гектарли майдонни ишғол этади. Бу ерда тоғ ҳудудидаги ўсимликлар қопламини ўзгартириш билан боғлиқ кузатишлар олиб борилмоқда. Айни вақтда ёнғоқзорларнинг табиий ва сунъий ҳудудлари яратилди. Асал берувчи ўсимликлар коллекцияси барпо қилинди. Ноёб ва «Қизил китоб»га киритилган ўсимликлар мониторинги амалга оширилди.

Тадқиқотлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Санъат

«ТАНОВОР» СИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН»

Ўзбек мумтоз мусиқасининг сеҳри, устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоева сахналаштирган рақснинг жозибаси ҳар бир мухлисни ўзига ром айлаши табиий. «Тановор»ни ижро этишни катта-ю кичик рақҳоса ўзи учун фахр деб билади. Куникеча Наманган шаҳрида бўлиб ўтган Республика ёш рақҳосалар танлови якуний босқичида ўн уч қатнашчидан олтитаси айни шу рақсни ижро этгани ҳам фикримизнинг далилидир. Шулардан бири «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Навоий вилояти бўлими яккахон рақҳосаси Нафисахон Раимова эди.

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Нафисахоннинг санъатга меҳри ҳам оиладан бошланган. Умуман бу оиланинг барчаси санъат шайдоси. Хонадон соҳиби Тўрақул ака ҳам, бекаси Руқияхон опа ҳам айни пайтда «Навоийазот» заводида меҳнат қилишади. Уларнинг бири смена мастери бўлса, иккинчиси катта оператор. Бироқ иккаласи ҳам санъат ихлосманди — бири хонанда, иккинчиси рақҳоса. Уларнинг танишувига ҳам, ягона оила бўлишига ҳам санъат сабаб. Ўшанда Т.Раимов «Ширин» ансамблининг созандаси, Руқияхон эса рақҳосаси эди. Улардаги санъатга бўлган меҳр фарзандларига ҳам ўтган.

Навоий шаҳрининг Низомий кўчасидаги уйлардан бирида ҳар куни кечқурун хонаки концерт бошланади. Ота қўлига тор олиб қўшиқ айтганда, икки ўғил — Улуғбек ва Фаррухжон доира, аккордион чалиб унга жўр бўлади. Она бошлаган рақсни қизи Нафисахон давом эттиради. Кези келганда она қизига устозлик ҳам қилади. Зеро, болалигидан рақҳосаликка меҳр қўйган Руқияхон опа санъатга содиқ қолган. У Навоий политехника институти талабаси чоғларида ҳам жозибали рақслари билан муҳлислари олқишини қозонган. Кўплаб кўрик-танловлар иштирокчиси бўлган. Ҳозирги кунда ҳам ҳаётини рақссиз тасаввур қила олмайди.

Аммо унинг ҳам ўзига яраша армонлари бор. Ёши йигирмага етмасданоқ ота-онаси унинг саҳнага чиқишини тақиқлаб қўйди. Шу боис моҳир рақҳоса бўлиб, катта саҳнадан ўрин олишдек юксак орзулари ушалмай қолди. Эрининг санъатга ошиқлиги, унинг хис-туйғуларини тўғри тушуниши рақс шайдосига далда бўлди. Қизининг боғчада тарбияланаётган чоғидаёқ қўшиқ айтиб, рақсга тушабошлаши эса қоронғулашган қалбига чироқ ёқди.

У энди ўзи эришолмаган чўққига — катта саҳнага Нафисахон чиқишига умид боғлаб, уни қўллаб-қувватлашга киришди. Ўқувчилик йиллари дастлаб «Ширин» маданият саройи рақс тўгарагига, сўнгра «Истиқлол» гуруҳига чорлади. Қизи ранг-баранг рақслари билан кўзга кўрина бошлагач, Руқияхоннинг умидлари ҳам куртаклади.

Истеъдодли Нафисахон мактабни битиргач, Тошкент маданият техникумининг рақс бўлимида таҳсил олди. Ўқишни тугаллагач, Ҳизмат кўрсатган «Баҳор» рақс ансамблида ишлади. Навоий вилоятидаги «Ўзбекнаво» бирлашмасининг бўлими ташкил этилгач, яккахон рақҳоса сифатида шу ерга йўл олди. У кейинги бир неча йил давомида Азим Муллахонов, Салоҳиддин Азизбоев, Равшан Комилов, Шуҳрат Қаюмов, Жаҳонгир Отажонов каби таниқли хонандаларнинг қўшиқларига яратилган клипларда рақслари билан қатнашди.

Ниҳоят, она ишончи оқланди. Республика танловида профессионал раққосалар сафида мусобақалашиш, унга олам олам қувонч бахш этди. Гўё бутун мамлакатга қизи эмас, ўзи танигандай севинди она. Иқтидорли раққосанинг «Ижодда академизм учун» дипломи билан тақдирланиши эса унинг юксак маҳорати эътирофи бўлди.

— Ўзим ҳам Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган ёки ижро этган рақсларни жуда севардим. Бадиий ҳаваскорларнинг шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларида албатта улардан бирини ижро этардим. Миллий рақс санъатига бўлган қизиқишим қизимга ҳам ўтганидан бахтиёрман. Мен чиқолмаган ижод чўққиларини фарзандим забт этаётганидан беҳад хурсандман, — дейди Руқияхон опа ғурур билан. — Ажаб эмас, вақт ўтиши билан қизинам таниқли раққоса сифатида эл ардоғига тушса.

Она учун фарзанд иқболига гувоҳ бўлишдан юксак бахт бор эканми!

Бахтиёр МАНСУРОВ.



Суратда: Орзуси ушалган она — Руқияхон Раимова қизи Нафисахон билан.

Хотира уйғонса гўзалдир

ИЛМГА БАХШИДА УМР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида улкан навоийшунос олим, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Ҳамид Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Ҳ.Сулаймон жаҳон қўлёзма фондлари ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган Шарқ қўлёзма китобларини, уларнинг микрофильмлари ёки фотонусхаларини тўплаш мақсадида кўплаб хорижий давлатларга экспедициялар уюштирди. Франция ва Англия сафари чоғида Алишер Навоий куллиётининг нодир безакли нусхаси, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Аҳмадий, Амирий асарлари мажмуаси ҳамда Навоий, Бобур, Низомий, Фирдавсий асарларига ишланган ноёб миниатюралар слайдларини келтириб, ташкил этилишида ўзи бош-қош бўлган Алишер Навоий номидаги музей заҳирасини бойитди.

Спорт

АВИАМОДЕЛЧИЛАР БАҲСИ

Фарғона вилоятида авиамодел спорти бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳри спортчи ёшларидан таркиб топган ўндан зиёд авиамодел спорти усталари жамоаси ўзаро куч синашди.

Мусобақа иштирокчилари авимоделларни учириш, белгиланган нуқтага қўндириш, катта тезликда маҳорат билан бошқариш, ҳаво ҳужумлари ва унга қарши курашиш борасида ўз маҳоратларини намойиш этди.

Ғоят қизиқарли беллашув, баҳс ва мунозаларга бой бўлган авиамоделчилар мусобақасида биринчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг авиомодел спортчи ёшларига насиб этди.

(ЎзА).

ТЎЙЛАР ЗАМОНАВИЙ, КАМЧИҚИМ

Ҳаётда ва жамиятда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ. Ҳатто қўшниларнинг, ҳамкасбларнинг ўзаро тотувлиги, аҳиллиги юксак турмуш маданиятининг ўзига хос ифодаси деб айтиш мумкин.

Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини таниди, қадимий урф-одатларимиз, анъаналару миллий ўйинларимиз ва қўшиқларимиз тикланиб, тарғиб қилинмоқда. Мавжуд қишлоқ маданият уйларининг деярли барчасида фольклор-этнографик гуруҳлар, тўгараклар ташкил этилган. Туман маданият бўлими қошидаги «Шашмақом», «Тароналари Самарқанд» бадиий ҳаваскорлик дасталари бу борада айниқса самарали меҳнат қилмоқда. Зеро, туманимиз аҳолисининг миллий анъаналарни тиклашга қизиқиши катталиги яққол кўзга ташланаётир. Мазкур тадбирлар меҳнаткашларнинг, айниқса ёшлар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунан бойитиб, нохуш ҳолатларнинг олдини олишда хизмати катта.

Маданият ва маърифат ишларини жонлантиришда кутубхоналар алоҳида ўрин тутади. Айни вақтда туманда битта марказий кутубхона ва 40 та қишлоқ кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда. Давримизнинг буюк ўзгаришлари одамларнинг китобга мурожаат қилишини тақозо этмоқда. Шу сабабли китобхонлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини инобатга олиб, туман ҳокимлиги ҳомийлар ёрдамида кутубхоналарнинг китоб жамғармасини бойитиш имкониятини топмоқда. Шунингдек, барча кутубхоналарда республикамизнинг етакчи даврий нашрлари мавжуд бўлишига эришилди. Асосийси, одамларнинг кутубхонага келишини кутмай, жойларда турли учрашувлар ўтказилаяпти. Масалан, Кўлбаипоён, Боғибаланд, Улуғбек қишлоқларида кўчма семинарлар, давра суҳбати, Оқмачит, Қозиқўрғон, Чордара маҳаллаларида китобхонлар гурунги уюштирилди. Бунда аҳолининг турли қатламлари вакиллари иштирок этдилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, яқинда вилоятда ўтказилган туман маданият кунларида Самарқанд тумани маданият ходимлари биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Миллий маросимларни, айниқса тўйларни замонга хос қилиб ўтказиш, исрофгарчиликларга чек қўйиш ҳам кундалик юмушларимизга айланди, десам муболаға эмас. Бунинг учун тўйларнинг намунавий сценарийси ишлаб чиқилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари вакиллари билан фикрлашиб олдик. Айниқса Хаймарипоён, Ражабамин, Ўрташиқ, Заҳлик, Чордара маҳаллалари аҳли фаоллик кўрсатишмоқда. Маданий-маърифий тадбирларнинг натижаси ўлароқ қишлоқларимизда оилавий можаролар, турли нохуш ҳодисалар, ёшлар ўртасидаги жиноятлар камайди. Мақсадимиз битта — келажак авлод турмуш маданиятининг бизникидан ҳам юқори бўлишига эришиш.

С.МАРДОНОВ,
Самарқанд туман ҳокимининг маданият ишлари бўйича муовини.

Биласизми?

ИЛК КАШФИЁТ

Инсоният тарихида овчиликдан ҳам кўҳна машғулот бўлмаса керак. Қадимда одам яшаш учун ов қилар, ов қилиш учун эса яшар эди.

Ўзларининг гўшт, кийим ва бошпанага бўлган эҳтиёжларини қондиришда одамлар ёввойи ҳайвонлардан фойдаланишган. Овчилик, ўз навбатида, кишининг жисмонан ва ақлан тараққий этишига туртки бўлди: илк техникавий кашфиётлар, шунингдек, рақс, ашула ва расм-русумлар ҳам ҳайвон, балиқ ва қуш овлаш билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Ёввойи ҳайвонлар макони бўлган ўрмонлар кесилиб, шаҳарлар қурилиб, ерлар ҳайдала бошлагач, хуллас, инсон табиат ишига фаол аралаша бошлаганидан кейин нималар рўй бергани кўпчиликка аён.

Иснод

НАФС БАЛОСИ

ёхуд сўнгги пушаймондан не наф?

Бекорчиликдан кун бўйи зерикиб ётган Абдухалилга оқшом янада маҳзун туюлди. Ўзича нималарнидир хомчўт қилди. Аммо бирон ишни қойиллатмаган одамга ким ҳам бебилиска пул берарди?

Ўйлай-ўйлай ниҳоят бир тўхтамга келгандек бўлди. Ширин хаёллар оғушида экан бирдан эсига Худойқул Ҳамроев устахонасидаги гулдор ёғоч эшиклар тушди.

Энди у фақат бир нарсани — тезроқ борлиқни қора парда ўрашини-ю, одамларнинг тош қотиб ухлаб қолишини истарди, холос. Шунда кўпдан буён пул ушламаган қўллари жарақ- жарақ пулларга тўлади. Абдухалил беихтиёр тамшаниб қўйди...

Ниҳоят, қоронғу тушди. Кўчаларда одамлар кўринмай қолди. Оғир сукунат чўккани-ни ҳис қилган Абдухалил «ов»га ҳозирланди.

Мана, мўлжаллаган манзили жойлашган Фузулий кўчасидаги Худойқул Ҳамроев яшаётган хонадон деворидан ошиб тушди. Бахтига уйда ҳеч ким йўқ эди. Шунинг учун «тунги меҳмон» ҳеч нарсадан тап тортмай тўппа- тўғри айвон остидаги устахонага йўл олди.

Очиқ устахонада у олдиндан кўзлаб юрган икки гулдор эшик турарди. Қўлда ясалган бу эшикларнинг ҳар бири камида ўттиз минг сўм туришини ўйларкан, Абдухалил бехос энтикди. Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема, дея эшиклардан бирини олиб чиқиб, тикону ўтўланлар ичига яшириб қўйди. Кейин иккинчисини кўтариб кетаётганда оёқ остида ётган резина қувурга кўзи тушди. Уни ҳам қўлтиғига қистирди.

Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай эшиклардан бир-рини олиб Тоҳир Аҳмедовникига жўнади. Унинг қоқ тун ўртасида эшик орқалаб юришидан таажжубланган Тоҳирга пул зарур бўлиб қолганини важ қилди. Узоқ савдолашувдан кейин гулдор эшик бор-йўғи беш ярим мингга пулланди.

Эшикларнинг биридан қутилган Абдухалил тикону ўтўланлар орасига яшириб қўйилган иккинчи эшикни божаси Эгамберди Жабборовнинг уйига олиб бориб қўйди. Учинчи бора қайтиб келган Абдухалил Сатторов яна қуруқ қайтмади. Ҳар бир метри 200, умумий қиймати 3000 сўм бўлган резина қувурни кўтарганича стадион томонга равона бўлди.

Иттифоқо олдидан чиқиб қолган Шамсиддин Жўрақулов уни бу даҳмазани кўтариб юришдан фориғ қилди. Яъни, унинг «Шу резина қувурингни менга бериб турсанг, ишлатиб яна қайтариб бераман», деган илтимосига Абдухалил «йўқ деёлмади».

Нафақат Шамсиддин Жўрақулов, балки судда гувоҳ сифатида қатнашган Тоҳир Аҳмедов, Саид Ҳамроев, Эгамберди Жабборов ва бошқаларнинг кўргазмалари Абдухалил Сатторов амалга оширган жиноий ишни суд ҳайъати ҳамда йиғилганлар олдида бор бўйи билан намоён этди.

Суд Абдухалил Сатторов содир этган жиноятнинг барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини инобатга олган ҳолда атрофлича кўриб чиқиб, тегишли жазо белгилади. Абдухалил эса... кўзлари билан ер чизганча, қилмишидан сидқидилдан пушаймонлигини изҳор қилди. Аммо энди фойдасиз эди.

Нафсиламбирини айтганда, гап унинг қандай жиноий ишга қўл ургани-ю, неча йилга ўз яқинлари, оиласи, дўсти- ёрларидан айро бўлишида ҳам эмас. Энг ачинарлиси, ҳазрати ИНСОНнинг шу даражада тубан кетишидир.

М.ҲАКИМОВ,
Денов туман суди раиси.
Т.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тармоқ қўмиталари ходимлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Герст Қурбонович Ғаффоровга волидаи муҳтарамаси

Адолат ЮЛДАШОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.30
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6